



МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2010-9601

1
2015



ТОШКЕНТ

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

1/2015

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир:	А. Каримов
Бош муҳаррир ўринбосарлари:	Н. Ҳайдаров Х. Шеннаев
Масъул котиб:	А. Сапаров
Муҳаррир:	М. Ҳусанова
Техник муҳаррир:	М. Икромов
Саҳифаловчи:	А. Тиллахўжаев
Корректор:	Қ. Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуоти ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақами билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2009 йил 26 мартдаги 153/5-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: www.tfi.uz/Issues/Jmoliya
e-mail: moliya@tfi.uz
Обуна индекси: 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., Кичик халқа йўли,
7-уй. Тел: 234-66-89

С. Широков

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ВА ПРОГНОЗЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада мол-мулк солиғи ва уни прогноз қилиш жараёни, прогноз қилишда қўлланилувчи усуллар, усуллардан фойдаланиш йўллари, мол-мулк солиғи тушумларига таъсир қилувчи омиллар, мол-мулк солиғи тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларини шакллантириш жараёнилари ёритилган.

Таянч сўзлар: прогнозлаш мол-мулк солиғи, мол-мулк солиғи бўйича тушумлар, регрессион таҳлил, мол-мулк солиғи ставкалари.

В статье анализируются процесс прогнозирования налога на имущество, методы, применяемые при прогнозировании, факторы, влияющие на налоговые поступления по налогу на имущество, процесс формирования прогнозных показателей по налогу на имущество.

Ключевые слова: прогнозирование, налог на имущество, налоговые поступления по налогу на имущество, регрессионный анализ, ставки налога на имущество, темпы роста, динамические ряды

The article describes the process of forecasting the property tax, the methods used in forecasting, factors affecting the tax revenue for the property tax, the formation of the targets on the property tax.

Keywords: forecasting, property tax, the tax revenue for the property tax, regression analysis, property tax rates, growth rates, time series.

Мол-мулк солиғи солиқ тизимида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур солиқ тури ўзининг солиқ солиш базаси, солиқларни ҳисоблаш ва уларни бюджетга тўлаш тартиблари билан ўзига хос жиҳатларга эга. Мол-мулк солиғининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биринчидан, мол-мулк солиғи давлат бюджети даромад қисмини шакллантиришда фаол иштирок этади. Унинг давлат бюджетини солиқли даромадлари таркибидаги салмоғи сўнгги беш йилда ўртача 3,024 %ни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида мол-мулк солиғининг улуши, (фоизда)*

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014
Давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларисиз жами даромадлари	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00
Тўғри солиқлар	26,08	26,20	25,21	26,22	20,41
Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	15,05	14,27	13,32	14,96	11,85
Мол-мулк солиғи	2,70	3,03	3,11	3,31	2,97
Ер солиғи	2,32	2,14	2,16	2,57	1,74
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	9,64	8,71	7,69	8,68	6,80
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,39	0,38	0,35	0,39	0,33

* Муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил учун танланган даврда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадлари, жумладан мол-мулк солиғидан йиғилган даромадлар йилдан йилга ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Мол-мулк солиғи тушумининг мутлақ миқдордаги қиймати ортиб боришига қарамадан, унинг Давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларисиз жами даромадларидаги фоиздаги салмоғи нобарқарорлик тенденцияга эга бўлган. Жумладан, 2010 йилга бориб у 2,7 фоизни ташкил этган. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 3,03 фоизни ташкил этган ва камайиш тенденцияга эга бўлган. 2014 йилда мол-мулк солиғининг Давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларисиз жами даромадларидаги улуши 2,97 фоизни ташкил қилган.

Мол-мулк солиғининг солиқ солиш базаси ҳақида сўз юритганда, албатта юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларидан олинadиган солиқнинг солиқ солиш базаси тушунилади. Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси мол-мулкнинг таркиби билан бевосита боғлиқ. Мол-мулк таркибидан келиб чиққан ҳолда юридик шахсларнинг мол-мулкларидан олинadиган солиқнинг солиқ солиш базаси:

а) асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар);

б) белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати;

в) меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати асосида аниқланади.

Солиқ солиш базасида мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати муҳим аҳамият касб этар экан, уни билиш талаб қилинади. Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қийматини аниқлаш учун солиқ солиш объектларининг ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидagi қолдиқ қийматлари қўшилади. Ҳосил қилинган йиғинди 12 га бўлиниб, солиқ солиш объектининг ўртача йиллик қиймати аниқланади. Солиқ солиш объектининг ўртача йиллик қиймати аниқланишда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\text{Ўртача йиллик қолдиқ қиймати} = \frac{31 \text{ январь} + 28(29) \text{ февраль} + \dots + 30 \text{ ноябрь} + 31 \text{ декабрь}}{12}$$

Мол-мулк солиғи тушумларини прогноз кўрсаткичларига солиқ солиш базаси катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари солиқ тўловчилар сони, солиқ ставкаларининг миқдори ҳам прогноз кўрсаткичларини белгилашда инобатга олинади.

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг ставкалари ҳар йили кейинги молия йил учун тасдиқланadиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида белгиланади. 2012 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкаси қуйидаги миқдорларда белгиланган (2-жадвал).

Шуни такидлаш жоизки, меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар миқдорда тўланади.

Мол-мулкдан олинувчи солиқ тушумларини прогноз қилишда қандай усулдан фойдаланилмасин, тадқиқот учун танланган барча усулларда маълумот йиғиш, маълумот манбаларидан фойдаланиш зарур бўлади. Прогноз тадқиқотининг маълумот манбаси бўлиб, солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилинувчи молиявий ҳисоботлар, солиқ ҳисоб-китоблари, солиқ объекти, базаси ва ҳисоб-китобига оид маълумотлар ҳисобланади.

2-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари [2]

T/p	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан фоизларда солиқ ставкаси
1.	Юридик шахслар	4
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари рўйхатидагилар бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30 %га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50 %га пасайтирилади

Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган жорий солиқ тўловлар ҳақидаги маълумотнома бўйича прогнозлаштирилган солиқ тушумлари ҳажми йилнинг ойлар, чорақлар кесимида ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобининг асосий кўрсаткичларидан солиқ солиш базасининг эҳтимолдаги, кутилаётган миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

Прогнозлаштирилаётган йилда кутилаётган солиқ базасини миқдорини ҳисоблаш учун юридик шахсларга тегишли мол-мулкларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматлари тўғрисидаги маълумот зарур бўлади. Бундай маълумотлар ҳам солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоб шаклида мавжуд.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига солиқ солинадиган объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати тўғрисидаги маълумотлар статистика идораларидан, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ўзларидан ҳам олинishi мумкин.

Норматив муддатларда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумот солиқ тўловчилар томонидан солиқ идораларига тақдим қилинади.

Белгиланган муддатларда ишга туширилмаган, қурилиши тугалланмаган объектлар қиймати мол-мулк солиғининг прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг қийматидаги ўзгариш прогноз кўрсаткичларини ошишига ёки камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Мол-мулк солиғининг солиқ солиш базаси солиқ солинмайдиган мол-мулк қийматига камайд.

Ўтган йиллардаги солиқ солинмайдиган мол-мулкнинг йиллик қийматидаги ўзгаришлар қонуниятлари таҳлил қилинади. Таҳлил натижасида солиқ солинмайдиган мол-мулкнинг кутилаётган қиймати ошиши аниқланса, прогноз кўрсаткичларига тегишли тузатишлар киритилади.

Солиқ тўловчининг экспортга маҳсулот чиқариши мол-мулк солиғи прогноз кўрсаткичларига таъсир қилувчи яна бир омил ҳисобланади. Чун-

ки экспортга маҳсулот чиқарувчиларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёз берилган.

Экспорт улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғи ставкасига киритилган тузатишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам жамланади, ўзгариш тенденциялари ўрганилади. Ўрганиш натижасида прогноз кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Мол-мулк солиғини прогноз қилиш статистик маълумотлар, ҳақиқатда бюджетга тушган тушумлар таҳлили ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия маълумотлари асосида ташкил қилиниши мумкин.

Мол-мулк солиғи тушумларини прогноз қилиш учун ҳақиқий эришилган даражадан келиб чиқиб прогноз қилиш усули танланади. Ушбу усул олдинги ҳисобот даврларидаги ҳақиқатдаги тушумлар таҳлилига асосланади.

Прогнозлаш усули сифатида регрессион таҳлилдан фойдаланилади. Дастлаб, қуйидаги логарифмик тўғри чизиқли регрессион функцияни тузамиз.

$$\text{Lg } \dot{Y}_t = \text{Lg } A_0 + \text{Lg } A_1 t.$$

Бунда, A_1 , A_0 регрессион тўғри чизиқли функциянинг параметрлари ҳисобланади. Ушбу параметрларни аниқлаш талаб қилинади. A_1 , A_0 параметрларнинг қийматини топиш учун қуйидаги тўғри чизиқли регрессион тенгламани ечиш талаб қилинади.

$$\begin{cases} n \text{Lg} A_0 + \text{Lg} A_1 \sum t = \text{Lg} Y \\ \text{Lg} A_0 \sum t + \text{Lg} A_1 \sum t^2 = \sum t \text{Lg} Y \end{cases}$$

$\sum t = 0$ ни инобатга олган ҳолда

$$\text{Lg} A_0 = \frac{\sum \text{Lg} Y}{n} \quad \text{ва} \quad \text{Lg} A_1 = \frac{\sum t \text{Lg} Y}{\sum t^2} \quad \text{тенглиги топилади.}$$

3-жадвал

Мол-мулк солиғи тушумини регрессион таҳлили

Йиллар	Мол-мулк солиғининг ўсиш суръати (Y)	Lg Y	Вақтнинг шартли белгиси (t)	t*t	tLg Y	A ₀	A ₁	Lg Ȳ _t	Ȳ (текислаштирилган даражаси)
1	108,3	2,034628	-3	9	-6,10389	2,072319	0,012029	2,036232	108,7006
2	111,8	2,048442	-2	4	-4,09688	2,072319	0,012029	2,048261	111,7534
3	115,1	2,061075	-1	1	-2,06108	2,072319	0,012029	2,06029	114,892
4	118,5	2,073718	0	0	0	2,072319	0,012029	2,072319	118,1187
5	121,7	2,085291	1	1	2,085291	2,072319	0,012029	2,084348	121,436
6	124,7	2,095866	2	4	4,191733	2,072319	0,012029	2,096376	124,8465
7	128	2,10721	3	9	6,32163	2,072319	0,012029	2,108405	128,3528
Жами	828,1	14,50623	0	28	0,336809	2,072319	0,012029	14,50623	828,1002
Прогноз йилга кутिलाётган миқдор			4			2,072319	0,012029	2,120434	131,9576

3-жадвалда экстрополяцияон таҳлил учун шартли равишда ўтган етти йил олинди. Ўтган йиллар давомида мол-мулк солиғи тушумининг ҳақиқатдаги миқдорини занжирли ўсиш суръатлари аниқланди.

Амалга оширилган тадқиқот натижасида $A1 = 0,012029$ га $A_0 = 2,072319$ га тенглиги топилди.

$$Lg \dot{Y}_t = Lg A_0 + Lg A1$$

формуладан фойдаланган ҳода мол-мулк солиғи бўйича кутилаётган прогноз тушуми 131,9576 га тенглигини аниқлаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон Қарори. lex.uz
3. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Юрайт, 2012.
4. Тарасова В., Владыка М., Сапрыкина Т., Семькина Л. Налоги и нало-гообложение. Учебник. –М.: Кнорус, 2012.
5. Майбуров И. и другие. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008
6. <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси расмий сайти.
7. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

А. Аманов

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИ МОЛ-МУЛКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари мол-мулкларини солиққа тортиш тартиби ўрганиб чиқилган ҳамда мол-мулк солиғини ундиришни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, маҳаллий бюджет, мол-мулк солиғи, солиқ ставкаси, иншоотлар, асбоб-ускуналар, меъёрий муддат, солиқ тушумлари.

В статье рассматривается порядок обложения налога на имущество предприятий реального сектора экономики, а также изложены вопросы совершенствования порядка взывскания налога на имущество.

Ключевые слова: предприятия реального сектора экономики, местный бюджет, налог на имущество, ставка налога, сооружения, оборудование, нормативный срок, налоговые поступления.

This article describes procedure of taxation of the property tax in the real sector economy, as well as outlines the issues of improving procedure of taxation of the property tax.

Keywords: the real sector economy, local budget, property tax, tax rate, standard period, buildings, equipment, tax revenues.

Ривожланган давлатларда солиқлар орқали иқтисодиётни тартибга солиш энг мақбул дастакларидан ҳисобланади. Бунда мулк солиғи алоҳида аҳамиятга